



Азиз ўртоқлар! Тожикистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил ажойиб муваффақиятга эришганликлари, давлатга пахта, дон, сабзавот, картошка, полнэ маҳсулотлари, узум, ҳўл мева, пилла сотиш планлари ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажарганликлари тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетига зўр мамнуният билан кўтиб олинди. Республиканинг тайёрлов пунктларига 888 минг тонна, шу жумладан 253 минг тонна қимматли илгичка толали пахта олиб келинди.

Бу муваффақият пахтакорлар, барча қишлоқ меҳнатчиларининг маҳорати ўсганлиги ва фидокорона меҳнатлари, партия, совет, касаба союзи ва комсомол ташкилотларининг актив етказиш ва ташкилотчилик иши натижасида қўлга киритилди, бу — партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини бажаришга қўшилган муносиб ҳиссидир.

КПСС Марказий Комитети Тожикистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари фан ютуқлари ва илгортаришлари, сўғирладиган деҳқончиликнинг катта йомонликларида фойдаланиб, техниканинг юксак унум билан ишлашига эришиб, пахта, айниқса қимматли илгичка толали пахта етиштириш, шунингдек деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа ҳамма маҳсулотлари етиштириш йанада ўстиришни таъминлайдилар, деб ишонч билдиради.

Л. БРЕЖНЕВ.
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1979 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XV пленуми бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг яқунлари ва республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларидан ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида берган кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани раиси ўртоқ Қ. А. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани ҳақида»ги докладини, Ўзбекистон ССР молия министри ўртоқ В. М. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1980 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1978

йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладини тинглади.

Музокараларда: Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров, Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Рибалко, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Солиқов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдулов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Ҳ. Қурбонов, Ўрта Осиё темир йўл бошқарушининг бошлиғи А. М. Қодиров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум «КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги 1979 йил 26 июль қарори

ни бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қарорини бажариш юзасидан Тошкент ва Қашқадарё область партия комитетларининг ҳисоботларини тинглади. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. М. Мусахонов ва Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ғ. Ғонбоб ҳисобот бердилар.

Ҳисоботларни муҳокама этишда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Боймиров, Қумқўрган район партия комитетининг биринчи секретари Ч. Алматов, Хоразм область ижроия комитетининг раиси Р. Ёшинов, Тошкент районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сўт соғувчиси М. Исоқова, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. А. Уркинбоев ўртоқлар қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Пленум ўртоқ Ж. Хўжаев пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссияси раиси вазифасидан озод қилди. Пленум ўртоқ Ҳ. Отакуловни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссиясининг раиси қилиб тасдиқлади.

Ўртоқ М. Йўлдошев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети енгил ва озиқ-овқат саноати бўлимининг мудири вазифасидан озод қилди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов пленумда яқунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тугатди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1979 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДАН ВА ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ПЛЕНУМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДА БЕРГАН КЎРСАТМАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани ва СССР Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида берган кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида:

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми халқ хўжалигини интенсив ривожлантиришни, фан-техника тараққиётини ютуқларини яқиниқчи йшлаб чиқаришга зўр ғайрат билан жорий этишни, партиянинг самарадорлиги ва иш сифатини ошириш йўлини сабот билан рўйбега чиқаришни энг муҳим иш деб ҳисоблайди. Меҳнат унумдорлигини ўстиришга, планлаштиришни таъминлаштиришга, ҳар бир бригада, ферма, участка, пех, қорхона, тармоққа раҳбарлик даражасини оширишга, айниқса, кўпроқ эътибор бериш керак.

Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган Ўзбекистон ССРнинг пахта комплексини, газ саноатини, рағдиган металлургияни, химияни, машинасозлиқни, халқ истеъмол мол-

лари ишлаб чиқаришни бундан бўён ҳам юксак суръатлар билан ривожлантириш зарур. Ўзбекистон темир йўли ва автомобиль транспортини шунинг анча яхшилашни таъминлаш, бой меҳнат, ёнғил энергетика ва хом шай ресурсларидан, ўларов фойдаланиш, асосан, ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлигини ошириш лозим.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорларини амалга ошириш соҳасида куч-ғайратни собитқадамлик билан қўлайтириш, қишлоқ хўжалик қорхоналарининг моддий-техника базасини қатъий билан мустаҳкамлаш керак. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикомасига амалий ишлар билан жавоб қайтариш, пахта етиштириш юзасидан беш йиллик планни ошириб бажариш, чорвачиликни зўр ғайрат билан ривожлантириш, чорва ва парранда маҳсулдорлигини қўлайтириш — Ўзбекистон коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг шарафли бурчини. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини хариб қилиш юзасидан 1980 йилги планларнинг тўла ва ошириб бажарилиши таъминлаш.

Капитал курилишида ишларнинг аҳолининг катъий яхшилаш, янгилаш куришга киришлайётган объектларининг сонини қамайтириш, куч ва маблағларини ишга тушириладиган объектларга ҳамда ишлаб турган қорхоналарини реконструкция қилишга жамлаш лозим. Қарши ва Янзаҳ даштларини комплекс беланштириш, жадаллашти-

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

«КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 1979 ЙИЛ 26 ИЮЛЬ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА» ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ВА ҚАШҚАДАРЕ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ҲИСОБОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида» 1979 йил 26 июль қарорини бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. М. Мусахоновнинг ва Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ғ. Ғонбобнинг ҳисоботларини тинглаб ва муҳокама қилиб, қайд этилдики, Тошкент ва Қашқадарё областларининг партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхозлари, совхозлари ва бошқа давлат хўжаликлари чорвачиликни ривожлантиришда сезиларли еттишлага эришдилар.

Тошкент областининг хўжаликлари 1979 йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида гўшт етиштиришни 19 процент, сўт етиштиришни 11 процент, тухум етиштиришни 21 процент қўлайтирдилар. Ҳар беш сизгидан ўрта ҳисобда 3100 килограммдан сўт соғиб олинди, ҳар бир товудан 170 тап тухум олинди. Қорамол туғғи 8 процент, сизгилар 7 процент, қўчқарлар 21 процент, парранда 23 процент қўлайди. Давлатга гўшт, сўт, тухум ва жун ўтғи йилдагидан кўп сотилди. Хўжаликлараро кооперация негизда чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялашга, саноат, қурилиш, савдо ташкилотларида гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштирадиган ёрдамчи хўжаликларни барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда, янги фермалар жадал металлор асосида қуриломоқда, чорвачиликни ривожлантиришда аҳолининг шахсий хўжаликларига ёрдам берилмоқда.

Чорвачиликнинг барча туридаги маҳсулотларини етиш-

тириш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган ҳамма ва топириқларни мўддатдан илгари бажарган Қашқадарё областининг чорвадорлари ҳам яхши натижаларга эришдилар. Область колхоз ва совхозларида ўртача сўт соғиб олиш 222 килограмм ошди, сўт етиштириш 16 процент қўлайди.

XIV пленумдан кейин қўшима районлар чорвачиликни жадал ривожлантириш соҳасидаги ишни активлаштириб юбордилар. Гиндудон районидagi хўжаликлар пахтагидан ва чорвачиликни ривожлантиришни тўғри қўшиб олиб бориб, шу йилнинг 11 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт етиштиришни 85 процент, сўт етиштиришни 12 процент, тухум етиштиришни 30 процент қўлайтирдилар. давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш йиллик планлари ошириб бажарилиди. Қамали, Орионкидзе, Қува, Хива районларининг ва бошқа бир қанча районларнинг хўжаликлари чорвачилик юзасидан белгиланган ўз тадбирларини муваффақиятли бажармоқдалар.

Шу билан бирга пленум айрим асослар ва районларда чорвачиликни ривожлантириш суръатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми тадбирларига жавоб бермапти, деб ҳисоблайди. Қўшима районларнинг хўжаликларида район ва область партия комитетларининг пленумларида тасдиқланган тадбирлар қонимасиз бажариломқда. Денов, Шўрун, Сарисой, Ёстонлиқ, Жалолқудул, Қизилтепа, Жомбой районларининг хўжаликлари шу йилнинг 11 ойи мобайнида гўшт етиштиришни кўзда тутилган ўсшига нисбатан қамайтириб юбордилар, Боёвут, Пахтакор, Термиз, Риштон районларида сўт етиштиришда ўшн жуда кам бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1979 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДАН ВА ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ПЛЕНУМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДА БЕРГАН КЎРСАТМАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

Ш. Р. Рашидов ўз докладининг бошида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССРнинг қишлоқ хўжалиги ва сўв хўжалиги меҳнаткашларига, олимларига йўлдошлар таъриномаси текисини узок давом этган гулдўрос қарсақлар остида ўйиб берди. Улар мўл ҳосил етиштириб, 1979 йилда давлатга пахта, дон, сабзавот, картошка, полнэ маҳсулотлари, узум, ҳўл мева, каноп ва пилла сотиш юзасидан планлар ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажариб, меҳнатда ажойиб муваффақиятга эришдилар.

Самимий табрикомаси учун, меҳнатимизга юксак баҳо берилганлиги учун пленум иштирокчилари номидан, Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан азиз Леонид Ильич Брежневга сидқидилдан миннатдорчилик сўзларини издор эттишга ва унга сизат-саломатлик, битмас-туганмас куч-ғайрат, совет халқининг бахт-саодати йўлидаги, мамлакатимизда коммунизм тантанаси йўлидаги тинимсиз фаолиятида янги катта зафарлар тилашга руҳсат бергайсиз, деди Ш. Р. Рашидов.

Совет Ўзбекистонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари, оталарча ғам-хўрликка жавобан янада яхшироқ, янада самаралроқ ишлайдилар, шонли Ленин партиясининг барча улугвор режаларини шараф билан мувоффақиятга эриш-

лан ва муносиб даражада бажариш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қиладилар, деб КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советини ишонтиришга икзолат бергайсиз!

Ўртоқлар! 1979 йил тугади деб қолди. Бу йил тарихга мамлакатимизнинг иқтисодий кудрати ўсган, унинг халқлари майдондаги сиёсий обрў-эътибори ва таъсири мустаҳкамланган йил бўлиб қирди. Совет кишилари ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан КПСС XXV съездининг қарорларини, ўзининг беш йиллик планларини муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети съезд белгилаб берган социал-иқтисодий программани изчил амалга оширабориб, бу программанинг бажарилишини чуқур анализ қилади, тўпланган тажрибани ҳисобга олади, янги, янзада мураккаб вазифаларини ўз вақтида илгари сурлади, бу вазифаларни ҳал этиш йўлларини белгиллади. КПСС Марказий Комитетининг ҳали яқиндагина таъмом бўлган 1979 йил ноябрь Пленуми беш йил бир марта яққол тасдиқлади.

Пленум 1980 йилда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва Давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқиб, асосан маъқуллади. СССР Олий Советининг иккинчи сессиясида тасдиқланган бу ҳужжатлар эндиликда қонун кучига кирди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев катта нутқ сўзлади. Бу нутқ жуда катта умумпартиявий, умумдавлат аҳамиятига молик ҳужжатдир. Леонид Ильичнинг нутқида партиянинг ва совет халқининг шу беш йилда, унинг туртинчи йилида бажарган бунёдкор ишлари натижаларга кўрсатиб берилди. КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун курашда тўпланган иккинчи тажриба умумлаштирилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев министрлар ва идораларнинг, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг ишдаги камчиликларини, Ленинча принципаллик билан очиб ташлади, бу камчиликларнинг илдизлари ва сабабларини яққол кўрсатиб, уларни бартараф қилиш чораларини аниқ белгилаб берди. Леонид Ильич экономика раҳбарлигини такомиллаштириш, мамлакат халқ хўжалигининг барча

тармоқларини янада жадал юксалтириш ва халқ фаровонлигини оширишни таъминлаш йўллари ҳамма меҳнаткорларга бир қанча жуда муҳим қондаларини илгари сурди.

Ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг иккинчи сессияси ақаллини ва илполи ваъзигада ўтди. Бу осянинг халқ оmmasи ўртасида Ленин партиясининг обрў-эътибори гоят ўсганлигини, КПСС билан халқнинг чамбарчас болганлигини, уларнинг манфаатлари ва мақсадлари бирлигини, совет кишилари фидокорона меҳнат қилиб партия режаларини муваффақиятли амалга оширишга тайёр эканлигини яққол тасдиқлади.

Бутун халқимиз КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси яқунларини маъқуллади. Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам бу яқунларда Лениннинг доҳирона гойлари рўбига чиққанлигини кўриб тушйдилар. Бу қарорлар, Л. И. Брежневнинг нутқида берган қандай ва ҳудосалар барча партия, совет, касаба союзу ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари фаолиятининг раҳнамо негизи бўлиб хизмат қилади.

Совет Иттифоқининг иқтисодий потенциалига жуда кенг қўлдаларда ёси. Миллий даромад қўлайди. Саноат ишлаб чиқаришини, қантала қурилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Халқ хўжалигининг муваффақиятлари КПССнинг соқалда программасини планли равишда амалга ошириш имконини берди.

(Давоми иккинчи бетда).

ТУҒҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ УНИНЧИ СЕССИЯСИ
НИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Туғқизинчи чакирққ Ўзбекистон ССР Олий Советининг унинчи сессияси бугун — 7 декабрь соат 13.00 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида соат 9.00 дан рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун — 7 декабрь соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида бўлади.

